



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 15 июн, шанба №96 (1313)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Тошкентда Марказий Осиёда барқарорликни мустаҳкамлашга бағишланган халқаро конференция бошланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Лондондаги Халқаро стратегик тадқиқотлар институти ҳамкорлигида ташкиллаштирилган ушбу анжуманда Марказий Осиё мамлакатлари, АКШ, Россия, Буюк Британия, Канада, Хитой, Афғонистон, Эрон ҳамда Европа Иттифоқи давлатлари, БМТ, НАТО, ЕХХТ каби нуфузли ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Икки кунлик мазкур тадбирда Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш, минтақа мамлакатларининг ўзаро ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамкорлигини кенгайтириш, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний тарқатилиши ва савдосига қарши кураш, халқаро террорчилик ва диний экстремизм муаммоси, аҳолининг ноқонуний кўчиши, минтақада қурол-аслаҳа ёйилиши каби долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Конференцияда узоқ йиллар мобайнида Марказий Осиёдаги беқарорликнинг асосий манбаи бўлиб келган Афғонистондаги вазиятга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Иштирокчилар бу мамлакатдаги воқеаларнинг минтақа давлатларига таъсири, афғон заминида барқарорликни таъминлаш йўлида халқаро ақсилтеррор коалицияси томонидан амалга оширилган тадбирлар, Афғонистон иқтисодиётини тиклаш ва ривожлантириш, бу давлатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиши йўлида қилиниши зарур бўлган ишлар борасидаги фикрлари билан ўртоқлашади.

Конференциянинг очилиш маросимида мазкур анжуман нафақат Марказий Осиё, балки бутун жаҳон ҳамжамиятининг хавфсизликни таъминлаш, можародан кейинги даврда алоқаларни тиклаш ва ривожлантириш, давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги уринишларининг янада самарали бўлиши учун хизмат қилиши таъкидланди. Сўзга чиққанлар, Тошкент конференцияси Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик ришталарининг янада мустаҳкамланиши, шунингдек, қўшни Афғонистондаги вазиятни чуқур таҳлил қилиш, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий аҳолини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиши йўлида янги Афғонистон давлатига катта ёрдам беришига умид билдирди.

(ЎЗА).



Баҳористон туманидаги «Муқаддас диёр» фермер хўжалиги бу йил 46 гектарда жаллачилик билан машғул бўлиб, 39 центнер ўрнига 45

центнердан ҳосил олди. — Биргина дон ҳосилидан олинадиган даромад 3 миллион сўмни ташкил қилади, дейди фермер хўжалиги раҳ-

бари Жонали Фуломов. — Бу ишчиларнинг ҳам рўзғори бўл, моддий манфаатдорлиги ошади деганидир. Дарвоқе, даромад ҳисо-

бидан Юсуф Ҳасанов номи мактаб ва «Юлдузча» болалар боғчаси учун ҳомийлик кўмаги ҳам кўрсатилди.

Суратларда: илғор комбайни Курбон Аббосов; ўрим пайти.

Шавкат СУЛТОН олган суратлар.

ҲУҚУҚИЙ МАЪРИФАТ ТАРҒИБОТИ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш ва аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони асосан Тошкент давлат юридик институти ҳузурда Ҳуқуқий маърифат тарғиботи

маркази тузилганди. Ана шунга ҳам беш йил бўлиб қолибди. Шундай экан, ўтган муддат ичида Марказ томонидан қандай ишлар амалга оширилди? Аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш қай даражада? Марказ бўлим бошлиғи, юридик фанлари номзоди Марат Фуломов билан бўлган мулоқотимизда ана шу ва бошқа саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик.

— Аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, турли ижтимоий гуруҳларнинг бу борадаги маданиятини ошириш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан биридир. Чунки, оддий фуқаро ўз ҳуқуқини қанчалик яхши билса, мустақиллигимиз тобора мустаҳкамланиб бораверади. Шу боис, Марказ ташкил қилинган кундан бошлаб Олий Мажлиснинг сессия материаллари, қонунлар, Президентимиз Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари тарғиботига катта эътибор берилди. Охириги 2 йил ичида Тошкент вилоятининг Покент, Қибрай, Охангарон, Оққўрғон, Тошкент, Бўка, Тошкент шаҳрининг С.Раҳимов, Бектемир, Сирғали, Юнусобод, А.Икромов туманларида ушбу мавзуларга бағишланган давра сўхбатлари ўтказилди.

қомусимиз», «Биз Конституцияни ўрганамиз», «Конституция ва инсон ҳуқуқлари» каби мавзуларда сўхбатлар уюштирилди. Шу давр ичида ҳар ҳафтада икки соат Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш бўйича ўқув машғулоти ўтказилди. Республика камизининг барча мактабларида, лицейларида «Конституциямизни биласизми?» мавзусида ҳуқуқий маърифат, кўрик-танловлар бўлиб ўтди. Олий ўқув юртлирида, ташкилотларда конституцияга бағишланган илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра сўхбатлари уюштирилди.

Бир Фармон шарофати

— Аҳоли ўртасида ижтимоий маънавий мухитни соғломлаштиришга оид фаолият ҳақида тўхталсангиз.

— Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва Адлия вазирлигининг «Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашни кучайтиришга қаратилган тadbирлар дастури» ижроси юзасидан ўтган давр ичида 93 та конференция, 18 мингга яқин давра сўхбатлари ўтказилди. Бу борада Республика Олий суди, прокуратураси, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари, жамоат ташкилотлари билан алоқа яхши йўлга қўйилган. Мисол учун, ўтган уч йил ичида вилоятларда «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари», «Виждон эркинлиги: муаммолар, изланишлар ва тажрибалар» мавзуларидаги илмий-амалий конференциялар юқоридаги вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилди. Бу масалада асосий эътибор ёшлар, хотин-қизларнинг диний-экстремистик гоғлар таъсирига тушиб қолишининг

олдини олишга қаратилди. Шунинг учун давра сўхбатларининг асосий қисми мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлири ҳамда маҳалларда уюштирилди. Ўтган йилнинг май ойида эса Марказ ходимлари ва Юридик институти ўқитувчилари С.Раҳимов, Чилонзор туманларида хотин-қизлар билан савол-жавоб ташкил қилишди.

Марказ ва унинг минтакавий бўлимлари ҳуқуқий таълим фаолиятини кучайтириш мақсадида мактабларда, ўрта махсус ўқув юртлирида «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини соатбай асосида жалб этишни йўлга қўйди. Жумладан, Жиззах, Самарқанд вилоятларининг деярли барча таълим муассасаларида суд, прокуратура, адлия бошқармалари ходимлари дарс ўтишда фаол иштирок этишмоқда. Кўплаб ўқув муассасаларида «Ҳуқуқшунос», «Ҳуқуқий билимлар» клублари ташкил этилди. Наманган муҳандислик иқтисодиёти институти, Оқолтин бизнесс коллежи, Тошкент давлат юридик институтида мунтазам фаолият кўрсатиб келаётган клублар шулар жумласидандир. Адлия, суд, прокуратура идоралари билан биргаликда мактаб ва лицейларда «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови доимий равишда ўтказилади. Унда ўқувчилар ҳуқуқий билимлар бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Шу давргача бўлиб ўтган мазкур тадбирларда Самарқанд, Тошкент ва Андижон вилоятлари ўқувчилар голиб бўлдилар.

(Давоми 3-бетда)

«COSCOM» ҲАМИША ХИЗМАТДА

«COSCOM» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси Кизилқум саноатчилари ва чорвадорларига ҳам хизмат кўрсата бошлади.

Навоий, Зафаробод, Зарафшон шаҳарларидан сўнг, Учқудук шаҳрида ҳам корхонанинг уяли телефон алоқа хизмати ишга тушди. Ҳозирнинг ўзида

бу ердаги маҳаллий абонентлар сони юздан ошиб қолди.

Эндиликда Навоий вилоят марказидан қарийб тўрт юз километр олисда жойлашган Учқудукликлар дунёнинг соҳлаган нуқтаси билан бемалол сўзлаша олади. Йил охиригача хатирчиликлар ҳам шундай хизматдан фойдалана бошлайди.

ЯНГИ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИ

Бўка туманида вилоят ички ишлар бош бошқармаси ҳамда туман ҳокимлиги сўй-ҳаракати билан бир йўла учта милиция таянч пункти қуриб, фойдаланишга топширилди.

Турғун Ражабов, Ойхўжа Йўлдошев, Йўлдош Ҳожиметов номидаги ширкат хўжалиқларида бунёд этилган мазкур таянч пунктларида кутубхона, чайхона, болалар спорт майдончаси, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш хоналари, автодром, волейбол, футбол майдонлари ҳамда теннис кортлари мавжуд. Вояга етмаган ёшлар бу ерда бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, спорт билан шуғулланишлари учун барча шароит яратилган.

(ЎЗА).

Давлатимиз раҳбари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида ушбу вилоят улкан иқтисодий салоҳиятга эга эканлигини, Томди, Учқудук, Нурота, Қонимех туманларининг бепоён яйловларида зотдор қорақўл қўйлар парвариши қилинаётгани ҳамда фидойи чўл қишлоқлари ҳақида илқ фикрлар билдирди. Айни пайтда ечимини қутаётган муаммолар, галдаги долзарб вазифалар ҳақида алоҳида гап борди.

Касбим тақозоси билан Учқудук қўлларида умргузаронлик қилаётган кадрдонларим бағрига отландим. 3-тоғкон металлургия компанияси ёнидан ўтган йўл Жўзқудук орқали Авангард томон бошлайди. Машина чироқлари зулмат қарини тилиб, йўл четидаги саксувўзорларни ёритади. Саксувўл ҳозир арчадек кўм-кўк либос кийган. Йўл текис ва раво, лекин эҳтиёткорликни бир лаҳза бўлса-да унутиб бўлмайди. Гоҳ кўён, гоҳ кўрсичқон ва яна қандайдир жонзодлар ёруғда олдиндан пилдираб ўтади. Тунги йўл манзарасини мана шулар бесади.

Йўл четида онда-сонда «қум кўчиши» деган ёзувлар учрайди. Бу — оғоҳлик белгиси. Ишқилиб бўруну тўзон бўлмасин. Кунчиқар томондан шамол кўтарилса борми, бир зумда асфальт устида қум уюмлари пайдо қилади.

1.4ЎЛ — МАРДЛАР МАСКАНИ

Чўлликлар бундай тўсиқларни ошиб ўтишининг ҳадисини олишган. Қаранг, машина гилдирагининг елини бироз камайтиришда, бир хил тезликда тўлқин ошган кемадек осонгина ўтишади.

Кетаяпмиз... Олдинда йилт этган шуъла йўқ. Жўзқудук чироқлари алдақачон орта қолди. Зулмат қўйнидаги чўл бамисоли ютаман дейди. Ишқилиб машина бузилиб қолмасин. Ҳавотири-мизининг боиси бу ерлардан баъзан икки-уч кунлаб машина юрмайди. Бу ерларнинг табиати Айдарбўйи табиатида асло ўхшамайди. Айдарбўйи хўжалиқларида чорва ривожланаётганини сув ва ўт-ўлан кўпроқ бўлиши

Журналист ён дафтарида

билан изоҳлаш мумкин. Кўп йиллик кадрдонларим — авангардликлар ҳам метин иродали, касбига меҳр кўйган, нолиш нималигини билмайдиган инсонлардир. Бахтлари-

ўтказишганди. Ярим тунда иккиланмай Айбўл оғанин уйини тақиллатиб бордик. Оқсоқол деганимиз ёши олтишдан ошган, зуваласи пишиқ,

га оби-ҳаво ноқулай келиб, чорвани қийнаб қўйди. Ниҳоят, жорий йилда бел бўйи келадиган шувқ, юлғун ва бошқа ўт-ўланлар чўпчиликлар кўзини қувнатди.

Ниҳоят шуъла кўринди. Ярим кечада толиқа-толиқа чўл кезганмисиз. Ана шунда даб-дурустан кўринган овулдаги шуъла, овулдагилар сен учун энг кадрдон кишилар бўлиб туюлади. Улар томон ошиқасан. Шунда одам боласи ёлғиз ашай олмаслигини чуқурроқ тушунгандай бўлган.

Бахтимизга йўл очик экан. Хар кун кум босадиган йўлни грейдерлар суриб қўйибди. Ўтган йили келганимизда машинамизни зўрға судраб

қарашлари қатъий ва ғайратли киши эди. Бизни қўриши билан дарвозани катта очиб, уйига таклиф қилди. Бу орада оила аъзолари бирлашиб дастурхон ёзишди. Ҳамма олисдан келган меҳмон кўнглини овлашга тунди. Ота негадир ўзича ўйга толганини сезиб, сўров аломати ила унга эландим.

— Уч кундирки кучли шамол тинчлик бермайди, — изоҳ беради нуруний. — Ингитларнинг бари отарларга ёрдамга кетишган. Ўзим эса шогирдларимдан хабар олиш учун саманни йўлга хозирлаб қўйдим. Насиб қилса отарларга бирга борамиз.

Ялғош САРИЕВ.

Болалар оромгоҳларида

лардан тайинланди. Оромгоҳ бошлиқлари ҳам касаба уюшмалари вилоят Кенгашининг раёсат

этилди. Барча оромгоҳларда телефон алоқаси мунтазам ишлаб турибди. Навбатчи автотранспорт муттасил хизмат қилмоқда. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши тегишли идоралар билан ҳамкорликда болалар оромгоҳларини сифатли озик-овқат билан таъминлаб турибди.

Шунингдек, бу йилги мавсумда ҳам Оролбўйи ўқувчилари Қосонсой ва Янгиқўрғон туманларининг тоғолди оромгоҳларида ҳордик чиқарадилар.

Равзахон ДЕҲҚОНОВА, Наманган вилоят касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари.

ТАЪТИЛ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?

тўғрақларида ва кўрик-танловларда фаол иштирок этишади.

Яна бир эътиборли томони шундаки, жорий йил мавсуми учун оромгоҳларга кадрлар танлаб олишда, уларнинг кўп жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди. Тарбиячилар фақат ўқитувчи-

йиғилишларида тасдиқланди. Мавсумнинг кўнгилдагидек ўтишини таъминлаш мақсадида вилоят ички ишлар бошқармаси ҳам жалб этилган. Булардан ташқари, касаба уюшмалари вилоят кенгашида болалар оромгоҳлари бўйича навбатчилик ташкил

САЛОМАТЛИК — ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

ЁРҚИН ШУЪЛАЛАР

Тиббиёт ходимлари кунига атаб махсус саҳифа тайёрлаётган эдик, бехос эшик очилиб, қўлига бир даста қоғоз тутган Соғлиқни сақлаш ходимлари Тошкент вилояти касабаси уюшмаси ташкилий бўлими мудири Рустам Иноғомов кириб келди:

— Соҳа ходимлари орасида ўз касбининг фидойилари, билимдон шифокорлар кўп. Аммо Ангрэн шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси бош шифокори Шухрат Нажимовдек ташкилотчи, қўл остидагиларга меҳрибон мухтажасислар оз.

Бейхитёр қизиқиб қолдик ва тез орада эл дардидаги малҳам қўяётган захматқаш инсон ҳақида кўп нарсаларни билиб олдик.

— Шифокорлик шундай касбки, бунда қанча билсанг ҳам кам, - дейди суҳбатдошимиз. - Бир кун изланишдан тўхтасанг, эртанги куннинг саволлари дуч келасан. Мураккаб даврда яшайётган эканмиз, ҳар биримиз замонавий тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишимиз керак. Токи, бизга умид кўзини тикиб турган беморлар ноумид бўлмасин.

Шунинг учун ҳам Ш.Нажимов бугунги ишни эртага қўймайди. Ҳамма нарсага улгуришга ҳаракат қилади. Инсон табиат яратган мўъжизалардан баҳраманд бўлмоғи учун соғлом, бақувват ҳамда зукко бўлиши зарурлигини, саломатлик бўлмаси, на фароғат, на ҳашамат татимаслигини элига, элдошларига қайта-қайта уқтиради.

— Умримиз қисқадир, - дейди шифокор куюнчанлик билан. - Саломатлигимиз ўз қўлимизда. Аммо базан ўзимиз билиб-билмай касалликларни кўпайтиришга сабаб бўламиз. Дейлик, ариқларга ахлат ташлаётган киши, бунинг эртанги фожеаси ҳақида ўйламайди. Ўз қўли билан ҳамшаҳарлари,

биродарлари соғлиғига тузоқ қўяди. Эртага ифосланган бу сувда чўмилган фарзандларнинг касалликка чалиниши ҳақида ўйлаб кўрмайди ҳам. Аслида бу жиноят, кечирилмас гуноҳдир. Ана шу ҳақиқатни идрок қилмай туриб, касалликка қарши кескин курашиб бўлмайди.

Умрининг мазмунини инсонларга саломатлик улашиш деб билган шифокор мана ўн тўрт йилдирки, юқумли касалликлар шифохонасида бош шифокор сифатида бу иллатга қарши курашади. Шаҳарда кенг миқёсда олиб борилаётган тадбирларга қарамай, бу касаллик аҳоли ўртасида ҳамон хавф солиб тургани уни ташвишга солади. Бу ишда у даставвал — ахил жамоасига, бир-бирдан меҳрибон, дилкаш, фидойи ҳамкасбларига ишонади. Жамоа сардори сифатида ҳамжихатлик, ўзаро тотувлик ва меҳр-оқибатни фаолиятининг мезони деб билади. Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳамкасбининг кўнглига йўл излайди, улардан меҳрмуруватини аямайди.

Саъй-ҳаракатлар зое кетмади. Қисқа давр ичида шифохонанинг моддий аҳоли яхшиланди. Замонавий тиббий асбоб-ускуналари ўрнатилди, даволашнинг янги усулларидан самарали фойдаланилди, бу ишда шифокорлар масъулияти оширилди, уларнинг сафи ёш, ишчан кадрлар билан бойитилди, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилди. Натижада касалликларни аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш, беморларни даволаш жараёнлари тубдан яхшиланди.

Шухрат Нажимов жажжи болажонларни алоҳида меҳр билан севиб-ардоқлайди. Шифокор ҳар кун улар ҳузурига отланаркан, уларнинг кўзидаги учкунлар бир кунги ёрқин шуълага айланишига ишонади.

А.НАБИЕВА.



Соғлиқни сақлаш соҳаси аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Зеро, соғлиқни муҳофаза қилиш инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бўлиб, меҳнатқашларнинг турмуш ва меҳнат шароитини яхшилашнинг муҳим омиллидир.

Тизимини ислоҳ қилишнинг Давлат дастури устувор йўналишларидан бири бўлган ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш масаласи Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тармоқ Марказий қўмитасининг мунтазам назоратида бўлиб келмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимининг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, тиббиёт ходимларининг самарали меҳнати рағбатлантириш, уларнинг истеъдоди ва қобилиятларининг муносиб тақдирланиши учун зарур шарт-шароитлар яратишда тармоқ Марказий қўмитаси ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Давлат дастури бажара бориб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини қайта тузиш ва уларда малакали тиббий хизматни таъминлаш ишлари ҳам амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Бунга қишлоқ жойларда ташкил этилган янги, замонавий қишлоқ врачлик пунктлари (КВП), туман Марказий шифохоналари, турмуш комплекслари яққол мисол бўла олади.

Марказий қўмита Ўзбекистон республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ҳамшираларнинг касбий билимларини, маҳорат ва истеъдодларини ривожлантириш мақсадида ҳам қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Тиббиёт институтлари қошида олиёмулюкли ҳамширалар тайёрлаш пунктлари, академик лицейлар ташкил этилди. Касабаси уюшма ташкилотлари раҳбарларини замонавий талабларга жавоб берадиган даражада малакасини ошириш мақсадида Марказий қўмита ҳар йили 100 нафар фаолини Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ўқув Марказида ўқувини ташкил этмоқда.

Рақамларга мурожаат этсак, бугунги кунда Республикада 3825 та амбулатория-поликлиника муассасалари ва 3479 та фелдшер- акушерлик пунктлари (ФАП) аҳолига врачлик ёрдами кўрсатмоқда. Шунингдек, 211 та тез тиббий ёрдам станциялари мавжуд бўлиб, ундан 11 таси мустақил тез тиббий ёрдам станциясидир.

Тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг энг асосий вазифаларидан бири шошилч тиббий ёрдам муассасалари тизимини ташкил этиш бўлиб, бу

золи деб билган ҳолда Марказий қўмита соҳа ходимларининг ҳуқуқий онгини ошириш, жойларда меҳнат қончилигига риоя этилишини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси каби масалаларни ҳам диққат-марказига олган. Хусусан, касабаси уюшма фаоллари иштирокида ушбу соҳаларга оид семинарлар ўтказилди. Тошкент вилоят давлат санитария-эпидемиология назорат марказига қарашли Тошкент, Заңгиота туманлари, Чирчиқ ва Ян-

борада вилоятларда сезиларли ишлар амалга оширилди. Ислохотлар доирасида Самарқанд давлат тиббиёт институти қошида талабалар ва профессор-ўқитувчи ходимларнинг соғлиқларини ҳимоя қилиш, ўқиш ва иш-

лашлари учун етарли ижтимоий шарт-шароитлар яратиш ишлари яхшилаш мақсадида мунтазам ишловчи санаторий-профилакторий, янги бассейни ва тренажёр заллари билан ташкил этилди. Бозор иқтисодиёти ҳамда республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнидаги фаолиятимизда тармоқ ходимларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, ишловчиларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминловчи қонун ҳужжатлари учун тақлифлар ишлаб чиқиш муҳим ўрин тутгани табиий ҳол. Ўтган йили тармоқ муассасаларида жами 15 та жамоа келишувлари, 2053 та меҳнат шартномаси тузилган бўлиб, уларнинг 282 таси нодавлат секторидagi муассасаларга тўғри келади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшма Марказий қўмитаси ўртасида 2001 йил 25 майдаги қўшма қарор билан тасдиқланган «Оналар ва болалар йили»га бағишланган жамоа келишувига мувофиқ жамоа шартномаларида айниқса аёлларга алоҳида имтиёзлар кўзда тутилган. Хусусан, ўтган йили фарзандлари уч ёшгача бўлган 94 нафар аёлнинг иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилди. Талабаларни сиҳатгоҳ ва оромгоҳларда соғломлаштириш мақсадида соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшма Марказий қўмитаси бюджетидан Охунбобоев номли Тошкент тиббиёт билим юртига 200 минг сўм, Андижон болалар соғломлаштириш оромгоҳига 2 миллион сўм, Қўқон тиббиёт билим юртига 200 минг сўм ўтказилди.

Меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояларини ўз фаолият ме-

чилар тоифалари тўла аниқланди. Шунингдек, 14 ёшга тўлмаган фарзанди, 16 ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бор аёллар учун тўлиқсиз иш куни, қўшимча дам олиш куни белгилаш бўйича меҳнат қонун талабларининг бажарилиши назорат қилиниб, бу борадаги ишларни ташкил этишда иш берувчилар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишмоқда. Меҳнат қонунини ва бошқа меъърий ҳужжатларда қайд этилган нормативлар асосида аёллар

ма Марказий қўмитаси томонидан тармоқда маданий-маънавий ишларни янада ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир.

Бундан ташқари, тармоқ ходимларининг кўнглини дам олишлари таъминлаш мақсадида вилоят қўмиталари томонидан «Энг ибратли оила», «Аёл борки, олам мунаввар», «Кувонқуни ва зукколар», «Энг ибратли уй бекаси», «Аёл дунёни тебратад» каби кўрик-танловлар ўтказилди.

«Қарияларни кадрлаш йили» бўйича ҳам Марказий қўмита ўз тадбирлар дастурини ишлаб чиққан. Унга мувофиқ «Нуроний» жағфармаси билан ҳамкорликда тиббиёт муассасаларида қарияларни кадрлаш тадбирлари, меҳр-саховат кунлари ташкил этилиб, уларни тақдирлаш режалаштирилган. Хусусан, соҳада ишловчи пенсионерларни санаторий-профилакторийларда, дам олиш масканлари ва оромгоҳларида соғломлаштириш, тиббий диспансер кўригидан ўтказиш ва шифохоналарда соғломлаштириш мўлжалланган. Шу ўринда Марказий қўмита томонидан Тошкент шаҳридаги «Нуроний» шифохонасига 200 минг сўм маблағ ажратилгани ҳам таъкидлаш жоиз.

Хайрия ва муруват тадбирлари ҳам эътиборимизда четда қолмапти. Шу мақсадларда 2002 йилнинг ўтган даври мубоинида муруват ёрдами сифатида ногирон болалар, қариялар, талабалар, шунингдек, кам таъминланган оилалар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини қўллаб-қувватлаш учун 2 миллион сўмга яқин маблағ ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси ногиронлари тиббий қайта тиклаш маркази «Умид-УМР», Тошкент педиатрия тиббиёт институти шулар жумласидандир.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислохотларнинг биринчи босқичи тугалланиб, иккинчи босқичи бошланди. Бу эса тармоқ касабаси уюшмаларига катта масъулият оқлайди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси раиси.

Хайрия ва муруват тадбирлари ҳам эътиборимизда четда қолмапти. Шу мақсадларда 2002 йилнинг ўтган даври мубоинида муруват ёрдами сифатида ногирон болалар, қариялар, талабалар, шунингдек, кам таъминланган оилалар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини қўллаб-қувватлаш учун 2 миллион сўмга яқин маблағ ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси ногиронлари тиббий қайта тиклаш маркази «Умид-УМР», Тошкент педиатрия тиббиёт институти шулар жумласидандир.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислохотларнинг биринчи босқичи тугалланиб, иккинчи босқичи бошланди. Бу эса тармоқ касабаси уюшмаларига катта масъулият оқлайди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси раиси.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси раиси.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси раиси.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси раиси.

ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ — ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



И. ХАСАНОВ олган сурат.

гийўл шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорат марказларига меҳнат қончилиги масалалари бўйича яқиндан амалий ёрдам кўрсатилди.

Тизимда меҳнат муҳофазаси бўйича ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда, десак муболага бўлмайди. Айниқса, бу борада Марказий қўмитага мурожаат қилганлар аризасига чуқур масъулият билан ёндашилмоқда. Чунотчи, тўрт нафар ходимнинг ишлаб чиқаришда касб касаллиги натижасида меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганлик учун қонунларда белгиланган имтиёзларни тўла юзасидан қилган мурожаатлари қаноатлантирилди. Соҳа ходимларини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш билан бирга уларга қулай меҳнат шароитлари ва имтиёзлар яратиб бериш соҳасида ҳам қўллаб-иبراتли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, тиббиёт ходимлари учун олти соатлик иш вақти жорий қилинган. Ишлаётган, икки ёшгача фарзанди бор оналар нафақасини узулишларсиз етказиб бериш учун маблағлар тўла ўтказилди. Республика Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги Фармониغا асосан уй-жой-коммунал хизматлар учун имтиёздан фойдаланув-

чун қўшимча таътирлар бериш кўзда тутилган.

Меҳнатқашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ҳам доимо диққат-марказимиздадир. Тармоқ муассасаларида меҳнат қилаётган аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш тадбирлари одат тусига айланган. Шунингдек, оналар ва болаларни тўлиқ диспансеризациядан ўтказиш ҳам ташкил этилган. Она ва боланинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида уларга моддий ёрдам ҳам кўрсатиб келинмоқда. Соғлиқни сақлаш муассасаларида ишлаётган 523600 нафар аёл қўшимча имтиёз ва таътирлардан фойдаланмоқда.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти меҳнатқашларининг фарзандлари республика оромгоҳларида бепул соғломлаштирилмоқда. Андижон вилоятида жойлашган тармоқда ягона «Шифокор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ўтган йили 150 нафар Оролбўйи болаларини қабул қилди. Бу йил ҳам бу анъана давом этади. Жорий йилги мавсум учун Марказий қўмита «Шифокор» оромгоҳига 3 миллион сўм маблағ ажратди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюш-

ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ШОҲОБЧАЛАРИ

Мустақиллик йилларида Шаҳрисабз туманида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ҳавас қилса арзигulik шарт-шароитлар яратилди. Тиббиёт соҳасидаги ислохотлар инсон ва унинг саломатлигига хизмат қилмоқда.


— Инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ҳар бир жамият, ҳар бир давлатнинг олий мақсади, - дейди туман марказий шифохонаси бош ҳақими, Олий Мажлис депутати Потима Бадалбоева. - Истиклол туфайли бу олий мақсад ҳаётимизда ўз ифодасини топди. 267 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган туманимизда халққа тиббий хизмат кўрсатиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Айниқса, қишлоқ врачлик пунктлари ишини яхшилашга алоҳида аҳамият берилди. Ўтган йили «Навбахор», «Ҳазара» қишлоқларида ва Амир Темуր номли ширкат хўжалигида қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, бу йил баҳорда «Наврўз», «Полмон» қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига тиббий хизмат кўрсата бошлади.

Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги муносабати билан Жўра Элбоев номли ва «Кеш» жамоа хўжаликларида ҳам қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, фойдаланишга топширилади. Шунингдек, марказий шифохонада шошилч тиббий ёрдам бўлими иш бошланди. Бу эса аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлидаги яна бир кутлуғ қадам бўлди.

Туман шифокорлари «Қарияларни кадрлаш йили», «Оналик ва болалик»ни муҳофаза қилиш Давлат дастури асосида яқка-ёлғиз, ногирон, кекса қариялар, меҳнат фахрийлари учун янада самарали тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйдилар. Ҳимояга муҳтож бундай кишиларга тиббиёт ходимларидан вакиллар бирктиб, саломатликлари алоҳида назоратга олинган. Бу ғамхўрликдан айниқса нуроний отахон ва онахонлар беҳад мамнун бўлмоқдалар.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.

Суратларда: шошилч тиббий ёрдам бўлими ҳамширалари (чапдан) Раҳима Муродова, Раъно Фозилова, Ташош Рашидовалар; «Ҳазара» қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси Маҳбуба Бозорова; тиббиёт ҳамшираси Башорат Ашурова. МУАЛЛИФ олган суратлар.



Бехос жиринглаган телефон кўнгиригидан Гулмирахон чўчиб уйғонди. Ғушакни кўтариб, таниш ҳамширанинг овозини эшитди:

— Тез етиб келинг, бир беморнинг аҳоли оғирлашиб қолди.

Гулмирахон уйдан чиққанида «Тез ёрдам» машинаси муйиллишдан қайтаётган эди.

Демак, бобоси бедарак тушига кирмаган экан-да. Аслида Гулмиранинг шифокор бўлишига ана шу бобосининг бевақо вафоти сабаб бўлган эди. Ушанда у 13 ёшлик қизалоқ эди. Ногоҳ бобосининг аҳоли оғирлашиб қолди. Отаси шифокор излаб қанча елиб-югурди, қишлоқнинг ягона врач эса ниманидир баҳона қилиб келмади. «Тез ёрдам» машинаси келганида бобоси бандаликни бажо келтирганди. Вақтида керакли муолажа қилинганда, бобоси ўлмас экан. Гулмирахон бундан кўп куюнди. Шу кундан бошлаб шифокор бўлишга аҳд қилди. Мана 22 йилдирки, Ғиждувонда туғилиб камолга етган қиз Тошкенти азимда шифокор, на кеча, на кундуз демай ёрдамга шошилади. Шундай дамларда бобосининг нури чехраси кўз ўнгига намоён бўлади. Ғуё руҳи шодланиб, уни ёрдамга чорлайди... Узок давом этган операция тугаганда эндигина тонг ёришиб келаёт-

ФИДОЙИ

ган эди. Ғуё гўдак йигисидан, ҳаётга қайтган онанинг юзида ёйилган табассумдан ёришаётгандек эди дунё. Чиндан-да, тўлғоқ азобида қийналиб, икки дунё оралигидан ҳаётга қайтган оналарнинг кўзи ёриши, азоблардан қутилиб, гўдагини бағрига босиши янги куннинг бошланиши эмасми?! Гулмирахон бу ҳақиқатни ҳар кун, ҳар дақиқа ҳис қилади, уни ўз кўзи билан кўриб, ғувоҳи бўлади.

— Ҳаётда қувонч билан ташвиш ҳам-иша бирга қадам ташлайди. Айниқса, бу кўзи ёриётган аёллар тақдирини шундоқ акс этиб туради.

Гулмирахон Аҳмедова шифокорлик касбининг меҳнат ва захматларидан бахт топган, эл олқисини олган аёл. Тош-МИ-2 клиникасида олий категорияли врач бўлиши билан бирга илмгоҳ талабаларининг сеvimли устози, қаттиққўл, меҳрибон, сирдош мурабийи ҳам. У ёшларга замонавий тиббиёт илмининг назариясини амалиёт билан узвийликда қўшиб ўргатади. Шифокорликнинг ўзига хос но-

зик сирларидан уларни хабардор этади. Бугунги талаба эса зукколиги, билими билан унча-бунча олимларни ҳам шошириб қўяди. Шунинг учун ҳам у ўз устида тинмай ишлайди, изланади. Бу касб эгаларида ҳаловат бўлмаслигини, шунга бардош берганларгина ҳақиқий шифокор бўлажagini ёшларга уқтиради.

— Шифокорлик ниҳоятда фидойиликни талаб этадиган касб, - дейди Г.Аҳмедова мушоҳадага берилиб. - Баъзан касбининг тақозоси билан дам олиш кунларидан воз кечишга, байрамларни унутишга, тўй-тантаналарга боролмасликка тўғри келади. Ҳатто тун-кун ишлаган кунларимиз бўлган. Шундай дамларда мени тушунган, уч фарзандимни тарбиялашга ёрдамини аямаган умр йўлдошимдан беҳад мамнунман.

Гулмирахон юртининг эртаси, соғлом авлод камоли, оналар саломатлиги учун ҳаммиса қуюнчак.

— Биз орзу-ҳавасли халқимиз, - дейди у. - Тўй деб йиллаб йиққанамизни бир

кечада соврамиз. Оқибатда рўзгоримиз юқлашади. Етар-етмовчилик бошланади. Аммо қизнинг бахтига қўша-қўша гилла-лар, сарполар, тилла-тақинчоқлар ора қиролмайди. Ота-оналаримиз эса ҳамон рўзгордан қисиб, ана шу ашёларни фарзандларига сеп сифатида йиғдилади. Ўсаётган фарзандларининг соғлиғига шунчаки муносабатда бўладилар. Кўнчилик оилаларни биланман, болаларга умуман мева-чева беришмайди. Ғушт, туҳум, сарёғ қабилар эса иқтисод қилинади. Қиздир, ўғилдир, фарзандларимиз ёшлиқдан илиги тўқ бўлиб улғайишлари керак.

Гулмирахон қуюниб сўзлайди. Унинг ҳар гапидан миллиат дардидаги малҳам бўлғувчи муаммоли фикрлар юз очади.

— Ахир инсон саломатлиги учун Оллоҳ олдида ўзи масъул-ку. Нега баъзи эр-кақларимиз аҳли аёлларларини асрай олмайди? Нега иккиқат аёл зиммасига рўзгорнинг оғир юмушлари юқланади-ю, кўпни кўрган нуроний момоларимиз, онахонларимиз «келин бўлгандан кейин қилади-да» деган ақида билан яшашади. Элим, элдошларим, деб ҳаловатидан кечаятган бу фидойи аёлнинг сўзларини тинглаб, унга ҳавасим келади.

Амина КОДИРОВА.

14-ШИФО МАСКАНИ

Хатирчи туманидаги Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги худудинда янги қишлоқ врачлик пункти ишга тушди. 75 ўринли ушбу шифо масканида 12 нафар малакали врач беш мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади.

Даволаш масканини «Зарафшон» хусусий корхонаси қурувчилари бунёд этди. Пунктни қуриш ва замонавий тиббий ускуна ҳамда жиҳозлар билан таъминлаш учун 100 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Шундай қилиб, туманда қишлоқ врачлик пунктлари сони 14 тага етди. «Мирдош» ва «Оқтепа» қишлоқларидаги шифохоналар қурилиши Мустақиллик байрамининг 11 йиллик тўйига нияҳосига етказилди.

(ЎЗА).

ҲУҚУҚИЙ МАЪРИФАТ ТАРҒИБОТИ МАРКАЗИ

(Боши 1-бетда)

Ҳар йили 700 минг нафарга яқин ўқувчиларнинг қатнашиши ҳам мазкур кўрик-танловнинг нуфузини кўрсатиб турибди.

— Ушбу ишларда жамоат бирлашмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик йўлга қўйилганми?

— Марказ ва унинг минтақавий бўлимлари аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ташкилий-тарғибий ишларни жамоат бирлашмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан бирга олиб бормоқда. Мисол учун, шу кунгача ҳуқуқ-тартибот идоралари, «Маънавият ва маърифат» маркази, касба уюшмалари, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида 1664 та семинар, 163 та конференция уюштирилди. «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш вазифаларни тўғрисида», «Инсон ҳуқуқларининг тамойиллари ва давлат хизматчиларининг этикиси», «Шарҳларнинг ҳуқуқий мадани-



ятини юксалтириш — келажгимиз гарови» каби мавзулардаги семинарлар шулар жумласидандир. Шунингдек, Бухоро вилоятида «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳиятига бағишланган «Давлат тили — ғуруримиз», Тошкент вилоятида «Юксак маънавият — демократик жамият асоси» каби мавзуларда учрашувлар ташкил этилди. Миллий маданият марказлари билан ҳам алоқа ўрнатилган. Масалан, Тошкент давлат юридик институтида

Хиндистон маданият маркази ҳамкорлигида «Ўзбекистон Республикаси ва Хиндистоннинг фуқаролик ҳуқуқий соҳасидаги долтида савол-жавоб уюштирилди. Қозоқ, рус, тожик Миллий маданият марказлари билан биргаликда эса «Миллий истиқлол ғоясининг умуммиллий моҳияти» мавзусида тадбирлар ўтказилди.

— Меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни ҳозирги замонага мослаб умумлаштириш, оммабоп адаби-

да»ги, «Омбудсман тўғрисида»ги, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунлар шарҳланди. Марказ қабул қилинажак қонун лойиҳалари муҳокамаида ҳам фаол иштирок этди. «Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш», «Судлар тўғрисида»ги, «Прокуратура тўғрисида»ги қонун лойиҳаларининг муҳокамаида бағишланган конференцияларнинг бўлиб ўтгани фикримизнинг яққол далилидир. Ўтган икки йил давомида «Тадбиркорлик ҳуқуқий кутубхонаси»га оид 20 та туркум рисоалар чоп этилди. Шулардан Х.Раҳмонкуловнинг «Хусусий мулк ва тадбиркорлик», М.Абдусаломовнинг «Тадбиркор — суд ҳимоясида», М.Баратовнинг «Тадбиркорлик манфаати ва масъулият» номида рисоаларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, 1998 йилдан бошлаб Марказнинг «Ҳуқуқий маърифат» номидаги ахборотномаси чоп этила бошлади. Унда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Конституция ва унинг моҳияти ҳамда бошқа мавзулар кенг ёритилди ва ёритилмоқда.

Сўхбатдош: **Ғулом ЮСУПОВ, «Ишонч» муҳбири.**

Касаба уюшмалари ва ўрим-йиғим

Олтиндек товланган бўлик бошқорар қўзни қувнатади. Қудратли комбайнлар товуши ён-атрофини тутган. Ўрим-йиғимда иштирок этаётганларнинг кайфияти чоғ. Боиси, ҳосилдорлик кутилганидан ҳам юқори бўлмоқда. Деновлик галлакорлар ҳам дақиқалар қадрига етиб ишлашмоқда. Туманинг «Хазарбоғ», «Ғалаба», И.Тўраев номли, Бобур номли ширкат хўжалиқлари, омилкор фермерлари гектаридан 50-56 центрдан хирмон кўтаришмоқда.

натига учун барча ўзини бирдек масъул деб билаётгани боис, кунига 300-350 гектар бугдойзор ўриб-янчилмоқда.

— Хўжалигимизда галла ўрими ҳар қачонгидан қизгин бормоқда, дейди «Хазарбоғ» ширкат хўжалиги касабаси уюшма кўмитаси ра-

ҒАЛЛАКОРЛАР

ўртасида маданий-маиший хизмат

Кўзланган мақсадга ишловчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни намунали йўлга қўйган тақдирдагина эришиш мумкин. Бундан яхши англаган хўжалиқлар маъмурияти, касба уюшма кўмиталари белгиланган тадбирларни изчил амалга оширишмоқда. Шинам шийпонларда, алоҳида ҳиёзланган оромгоҳларда ҳар кун 4 марта хўжалиқлар ҳисобидан иссиқ овқат, чой тайёрланмоқда. Одамлар унумли дам олишлари учун кўча уйлари келтирилган. Уларда радио, телевизор, газета ва журналларнинг янги сонлари мавжуд. Санъаткорларнинг дилрабо куй ва

қўшиқлари, адибларнинг эътиросли сўзлари пудратчи-ю, комбайнчиларга кўтаринки руҳ бағишламоқда. Ўрим-йиғимда пешқадамлик қилаётган, кунлик меъёрни ошириб адо этаётган комбайнчилар, техника ихлосмандлари моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда.

Денов туман машинатрактор парки давлат акциядорлик жамиятига қарашли 13 та «Кейс» ҳамда 16 та «Нива», «Енисей» русумли комбайнлар унумли ишлатиб, хирмонгоҳи баракани киритмоқда. Мутасаддиқларнинг таъкидлашларича, жами 90 нафар комбайнчи галлазорларда меҳнат қилаётди. Уюшқоқлик, пировард

иси А.Мирзаев. - Мавсумда энг яхши кўрсаткичга эришган комбайнчи рағли телевизор ажратилган. Шунингдек, у ва ёрдамчилари яхшигина пул мукофотига ҳам эга бўлишди. Қудратли «Кейс»лар замонавий техника нимага қодир эканлигини амалда кўрсатмоқда. Яқинда касба уюшма кўмитаси яна бир ибратли тадбир белгиланди. Мавсум якунланганида, энг яхши галлакорлар Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тасарруфидида «Хонжиза» дам олиш уйида бепул дам олириладилар.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» муҳбири.

Мустиқил давлатимиз қонунлари инсонпарварлик ғояси билан йўрилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида ходимнинг меҳнат жараёнидаги бурчи баён қилиниши билан бирга унинг ҳуқуқлари қаролатилган, имтиёзларга эга эканлиги, манфаатлари ҳимоя қилиниши таъкидланган. Шунингдек, алоҳида тармоқ ва корхоналарнинг иш хусусияти ҳамда имкониятларини ҳисобга олиб бу масалалар жамоат шартномаларида ифодаланиши белгилаб қўйилган. Бу эса меҳнат жамоаларининг ўз-ўзини бошқарувини такомиллаштиришга, меҳнат муносабатларига янги, эркин ёндашишга даъватдир. Республикада янги Меҳнат Кодекси қабул қилингандан бери ўтган вақт мобайнида меҳнат муносабатларида туб ўзгаришларга эришилди, уни жамоат шартномалари орқали тартибга солиш-

меъёрий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказмаслик. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида жамоат шартномаси ходимнинг қонунда белгиланган ҳуқуқларини чеklangи, имтиёзларини пайсатириши мумкин эмаслиги таъкидланган. Афсуски, Иштихон туманидаги М.Жўраев номида ширкат хўжалигининг жамоат шартномасида «ишлаб чиқаришда ногирон бўлган ходимга 35 минг сўм, вафот этган ходим оиласига 175 минг сўм тўланади» деб, «Оҳалиқ-Ломанн-парранда» қўшма корхонасининг меъёрий ҳужжатида ишлаб чиқаришда ногирон бўлганларга энг кам иш ҳақининг бир йиллиги, вафот этган ходим оиласига энг кам иш ҳақининг 4 йиллиги тўлиниши ёзиб қўйилган. Ҳолбуки, амалдаги меҳнат қонунда бу тўловлар ходим ўртача ойлигининг мутаносиб равишда камида бир йиллиги ва камида олти йиллиги миқдорда бўлиши қатъий белгилаб қўйилган. Шунга ўхшаш



Сариосиё тумани таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси жамоаси «Таълим тўғрисида»ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, соҳада илоҳотларни изчил амалга оширишга алоҳида эътибор беришмоқда. Жумладан, мактабларни замон талабига мослаштиришга, компьютерлаштириш ва малакали ўқитувчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда туман Халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

Суратда: таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма фаоллари.

И.ҲАСАНОВ олган сурат.

БУ БОЗОРДА БЎЛМАБСИЗ...

Юртни билай десанг, бозорини кўр, деган нақл бор. Бу ҳақиқат. Ҳар қандай меҳмон аввало бозорга қараб шаҳарнинг нақадар обод ва фаровон эканлигини белгилаб олган. Ҳозир ҳам шундай. Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг бозорлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлари тўғрисидаги қароридан кейин аксарият бозорларимизда ихобий ўзгаришлар юз бераётгани кўзга ташланмоқда. Жумладан, Бўка туманидаги «Истиқлол» деҳқон бозори очiq турдаги акциядорлик жамияти жамоаси ҳам бу кун талаблари, бозор муносабатларини тўғри талқин қилиб, иш бошлаган кўринади.

Бозорда сотувчи ва харидорларга шарт-шароитларни яхшилаш мақсадида иккита павильон қуриш ишлари жадал суратлар билан олиб борилаётди. Ушбу қурилаётган павильонлар жорий йилнинг охиригача бориб ишга туширилиши мўлжалланаяпти.

Бозорда бунёдкорлик соҳасида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда яна бир янги умумий овқатланиш шохобчаси ишга туширилди. Бундан ташқари, бозор ҳудудини ободонлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ишларига ҳам алоҳида эътибор берилди. Хусусан, 150 тўп ёнғоқ ва бошқа кўллаб мевали ҳамда манзарали дарахт ниҳоллари ва гул кўчатлари экилиб, парвариш қилинаётди.

ИНСОН ҚАДРИ

жамоат шартномасида қай тарзда ифодасини топган

да анчагина тажриба орттирилди. Ҳозир жойларда амал қилаётган жамоат шартномалари илгаригиларидан ўзининг мукамаллиги билан фарқ қилади. Бунда республика касба уюшмалари Кенгаши томонидан жамоат шартномаларининг намунавий нусхаси ишлаб чиқилганлиги ва қўлланиш учун тавсия қилинганлиги муҳим аҳамият касб этди. Шунга мувофиқ фаолият юритилгани боис Самарқанддаги кўллаб корхона ва ташкилотларда жамоат шартномасининг роли ихобий баҳоланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси талабларига риоя этилгани, жамоат шартномасининг амалда қўлланиши боис, «Жомбойдон» ҳиссадорлик жамияти, «Нафис» ҳиссадорлик жамияти, Ургут туман марказий ширкат хўжалиги каби кўллаб корхоналарда ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, манфаатдорлигини таъминлаш, имтиёзларини рўйбга чиқариш, ҳуқуқларини қаролатиш, меҳнатини муҳофаза қилиш бора-да ибрат олса арзиғули натижалар, тажрибалар бор. Бу меҳнатни, меҳнат кишини қадрлашнинг тимсолидир.

Қонун барчага баробар. Бинобарин, унинг барча жойларда бирдай бажарилишига эришиш керак. Афсуски, турли баҳонаю сабаблар билан меҳнат қонунлари талабига панжа орасидан қараётган мутасаддилар ҳам учраб туради. Бу борадаги асосий хато-камчиликлар нималардан иборат?

Биринчиси, жамоат шартномасининг лойиҳасини ишлаб чиқишда ва қабул қилишдаги юзакчилик. Айрим жойларда уни қабул қилгунга қадар ишлаб чиқариш бўғинларида муҳокама қилинмайдди. Тақлиф-мулоҳазалар ўрганилмайди. Базан олдинги жамоат шартномаси айнан кўчирилган ҳолларнинг ҳам гувоҳи бўлганми. Вилоят агроаноат тармоғида эса юқоридан ағдоса қилиб берилган бир қилиндаги жамоат шартномалари қўлланилгани сир эмас. Ўзибўларчилик кайфиятидаги мутасаддиларга шундай бўлгани маъқул...

Иккинчиси, жамоат шартномаларига мажбуриятларни киритиш чоғида реал имкониятлар ҳисоблаб чиқилмайди. Шароит инобатга олинмайди. Айниқса, иш ҳақи миқдори, қўшимча тўловлар, иш вақти, қўшимча таътиллари масаласида бу яққол кўринади. Масалан, Иштихон туманидаги М.Жўраев номида ширкат хўжалигининг жамоат шартномаси номини таътилган.

Учинчиси, қонунни билмаслик ва ички

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

Саволларингизга ЎЗКУФКнинг юридик бўлими ҳуқуқшуноси

Насиба ТИЛЛАХЎЖАЕВА жавоб беради

САВОЛ: халқ таълими ва маориф соҳасида ишлаётган ходимлар 3-руйхат бўйича имтиёзли пенсияга чиқадилар. 3-руйхатга маориф соҳасидаги қайси лавозимлар киритилган ва шу лавозимда ишлаётган ходимлардан даромад солиғи қанча миқдорда ушлаб қолинади?

О.Джарарова, Жиззах шаҳри таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма кўмитаси раиси.

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган ишлаб чиқаришлар муассасалари, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-руйхати XXXV бўлимининг VII қисми I бандига асосан:

1) Маориф соҳасидаги номланшидан қатъий назар барча ўқув юртлари ва болалар муассасалари умумтаълим мактаблари; барча турдаги мактаб-интернатлар; қар болалар мактаблари, кўзи ожиз, асаб ва бошқа касал болалар учун мўлжалланган мактабларнинг ҳамма тури; санаторий қошидаги мактаблар; ишчи ва кишлоқ ёшлари мактаблари; умумтаълим хунар-техника мактаблари; ўрта муассасалар; ўрта мактаби ва билим юртларининг ўқитувчилари, тарбиячилари, тарбиячи тоғлар, бўлим мудири, уларнинг ўринбосарлари; ўқув тарбия бўйича директор ўринбосарлари; ўқув ишлаб чиқариш қисми бўйича директор ўринбо-

сари; синфдан ва мактабдан ташқари ишлар бўйича ташкилотчилар; ўқув ва ўқув тарбия бўлими мудири; эшитиш кабинетининг мудири ва инструктори; логопедлар, ўқитувчилар; ишлаб чиқариш усталари; педагог-тарбиячилар, узайтирилган кун тарбиячилари; сурдопедагоглар; тифлопедагоглар; ҳарбий дарс ўқитувчилари; ўқитувчи-логопедлар.

2) Болалар уйлари, болалар меҳнат-тарбия колониялари, болаларни қабул қилиш ва тақсимлаш пунктлари, логопед пунктлари ва стационерлари, клиник мактаблар, болалар меҳнат тарбия институтларининг тарбиячилари (тарбиячи раҳбарлар). Директорлар, уларнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари. Мудирлар, уларнинг ўқув-тарбия ва ўқув ишлаб чиқариш ишлари бўйича ўринбосарлари. Педагог-тарбиячилар, сурдопедагоглар, ўқитувчилар.

3) Техникумлар ва бошқа ўрта махсус ўқув юртлари (педагогика, тиббиёт, кишлоқ хўжалик ва бошқалар); меҳнат резерви тизимидаги ўқув юртлари ва мактаблари (олий ўқув юртларидан ташқари)нинг педагоглари, ўқув ишлаб чиқариш усталари, ўқитувчилари.

4) Болалар боғчаси ва ясли-боғча бирлашмаларининг тарбиячилари, тарбиячи-раҳбарлар, кутубхона мудири ва кутубхоначилар. Бундан ташқари, даволаш муассасаларига қарашли болалар клиника-

си, поликлиникаси, касалхона, санитария ва диспансерлар; ясли ва болалар уйи, касалхонанинг болалар бўлими, санаториялар, диспансерлар ва колонияларнинг логопедлари, ўқитувчи тарбиячилари, сурдопедагоглари, ўқитувчилари имтиёзли равишда аёللар 50 ёшдан 25 йилдан кам бўлмаган педагогик меҳнат стажига эга бўлган тақдирда, эркаклар 55 ёшдан 25 йилдан кам

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 181-моддасида кўйилган интизомий жазо чоралари белгиланган:

1) хайфсан;

2) ўртача ойлик иш ҳақининг 30 (ўттиз) фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима.

Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 50 (эллик) фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин;

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (МК 100-модда иккинчи қисми 3- ва 4-бандлари).

Ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўллаш тақиқланади.

Интизомий жазолар ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахслар томонидан қўлланилади.

Интизомий жазони қўллашда содир этилган ноҳўя хатти-ҳаракат қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинади.

Ҳар бир ноҳўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланилиши мумкин.

Ўғирлик қилганлиги учун ходимга нисбатан интизомий жазо тарихида ишдан бўшатиш чораси қўлланиладиган бўлса, агар жамоат шартномасида касба уюшма кўмитасининг розилигини олиш белгиланган бўлса, бундай розиликни

олмай туриб, меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, ЎЗР МКси 100-моддаси, 2-қисми, 4-бандига асосан ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта кўпол равишда бузишларининг рўйхати корхона ички меҳнат тартиби қоидалари; корхона мулкдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномаси; айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланиладиган интизом ҳақидаги Низом ва Уставлар билан белгиланади.

Агар корхонада айтиб ўтилган норматив ҳужжатлар қабул қилинган бўлмаса, юқоридаги асосга қура иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли эмас. Шунинг учун барча корхона ва муассасаларда жамоат шартномаси билан бир вақтда ички меҳнат тартиби қоидаларини ҳам қабул қилиш муҳим ҳуқуқий аҳамиятга эга.

Агарда корхона ички меҳнат тартиби қоидаларида «ўғирлик» меҳнат интизомини қўпол бузишлар рўйхатига киритилган бўлса, у ҳолда иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 4-бандига асосан ходимни уч кун олдин огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Бундан ташқари, ходимнинг ўғирлик туфайли корхонага етказган моддий зарари тўла ҳажмида қонунда белгиланган тартибда ундириб олинади.



САВОЛ: корхонада ўғирлик қилган ходимга нисбатан қонунда қандай интизомий жазо чоралари белгиланган?

Г.Жўраева, Кўргонтепа шаҳри, Пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти.

Илҳом

Нурмат ОТАБЕКОВ — Чимкент вилоятининг Сайрам туманида «Кизилкишлоқ» кишлоғида туғилган. 1981 йили Тошкент Давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Тиббиёт фанлари доктори.

АЁЛ

Танга жон ва умр бахшида айлаб, Қалбида асраган мудом авайлаб, Ўзни хазон қилган, лекин атайлаб Шу йўлни танлаган аёлдур, аёл.

Тун уйқу-оромин минг бора бўлиб, Дилбандин эркалаб, қувонча тўлиб, Кундан-кун саргайиб ва охир сўлиб Қолишни танлаган аёлдур, аёл.

Бор кучу қувватин фарзандга бериб, Тинмаган эрта-кеч югуриб-елиб, Ризқ ҳамда розилик ушогин териб Ейишни танлаган аёлдур, аёл.

Боламга, деганча кўз нурун қадаб, Дуру жавахирлар тақмасдан, ажаб, Ҳаттоки оқ сурпни сўнг кунга атаб Кўйишни танлаган аёлдур, аёл.

Жаннат ичра толе жой берса билиб, Шунда ҳам қувонмай, мунгли, сиқилиб, Ёлгон дунё томон ўйчан тикилиб Туришни танлаган аёлдур, аёл...

ЮЛДУЗ УЧСА

Кўзингиз ўнгидан учса ногаҳон Самонинг бесаноқ юлдузин бири, Ўйламангки асло — у узилган жон, Шундай асли барча юлдуз тақдири.

Юлдузлар бизлардан йироқ бўлса ҳам Таратган нурлари етиб келади. Самовий зичликка беролмай чидам Оловлар қаърини йитиб кетади.

Худди ердагидай, мовий осмонда Бордир ким ўзарлик, бордир қаршилиқ. Фақат битта фарқи — она-заминда Инсоний ақл бор, бордир яхшилиқ.

Нурмат ОТАБЕКОВ.

АФАНДИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА

Самарқанд вилоят кўғирчоқ театри Жанубий Корейда ўтказилган кўғирчоқ театрлари халқаро фестивалида қатнашди. Биз Жанубий Корея халқига миллий санъатимизни намойиш этиш билан бирга, у ердаги ҳамкасбларимизнинг ижоди билан ҳам танишдик, — деди театрнинг бадиий раҳбари Баҳром Мухаммадиев "Туркистон-пресс" муҳбирига. - Фестивалда жамоамиз сахна асарларини ижро этиш билан бирга спектаклларнинг видео ёзувлари билан ҳам иштирок этди.



Биз Жанубий Корея халқига миллий санъатимизни намойиш этиш билан бирга, у ердаги ҳамкасбларимизнинг ижоди билан ҳам танишдик, — деди театрнинг бадиий раҳбари Баҳром Мухаммадиев "Туркистон-пресс" муҳбирига. - Фестивалда жамоамиз сахна асарларини ижро этиш билан бирга спектаклларнинг видео ёзувлари билан ҳам иштирок этди.



ФИФА РЕЙТИНГИ ўйин чоғида инобатга олинмайди

рашларга руҳан тайёр бўлса ва ўздан кечиби ўйнаса, шу жамоага омад кулиб боқишига чемпионат асносида бир неча марта гувоҳ бўлдик. Шу боис гуруҳ баҳсларига нуқта қўйилмаган сўнгги учрашувлар олдиндан охириги ўйинлар иштирокчиларининг ФИФА рейтингига эгаллаб турган ўрнига ҳам шунчаки, ўз тасаввуримизни бойитиш учунгина назар ташладик.

Россия термаси бош мураббийси Олег Романцевга қийин бўлди. Нимчорак йўлланма Бельгия билан баҳсдаги ютуқ, лоақал дуранг натижага боглиқ бўлганини билган ҳолда тўп сурган россияликларнинг сира ўйини қовушмади. Иккинчи турда рейтинг ўрнига қўра Россиядан беш поғона қуйида турган японияликлардан мағлуби ятга учраган, Москва марказида содир этилган беш зорилик хатти-харакатлари тақдорланмаслиги учун рейтинг ўрни етти поғона юқорида бўлган Бельгия термасидан ҳар қалай устун келиш ҳам қарз, ҳам фарз эди. Афсуски, Романцев шогирдлари ўйин бошиданок ўз дарвозаларидан тўла олиб чиқиб, ахволни янада чигаллаштириб юбордилар.

Рейтинг ўрни бири-бирдан бор-йўғи иккитага фарқ қилган Япония ва Тунис баҳсида ҳам анчагача томонлар ўз устунликларини исботлай олмадилар. Бу бежиз эмас. Чунки сўнгги тур олдиндан гуруҳда барча жамоа кейинги босқичга чиқиш имкониятини тўла йўқотмаган ва табиийки, ҳеч бир жамоа хотиржам тўп суриши ҳам мумкин эмас эди.

Ким нечанчи ўринда?

Table with columns for countries (Япония, Бельгия, Россия, Тунис, Жанубий Курия, АҚШ, Португалия, Польша) and their statistics (Ў, Ю, Д, М, Т-Н, О).

Улар нимчоракда учрашадилар

Table with columns for date, time, and opponent (Германия-Парагвай, Дания-Англия, Швеция-Сенегал, Испания-Ирландия, Мексика-АҚШ, Бразилия-Бельгия, Япония-Туркия, Ж.Курия-Италия).

ИШҚИЗОЗ ЭН ДАҚТАРИГА

«Д» гуруҳи Португалия - Ж.Курия - 0:1 Польша - АҚШ - 3:1 «Н» гуруҳи Тунис - Япония - 0:2 Бельгия - Россия - 3:2


Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расуллов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Янги китоб



Ўзбекистон Республикасининг

«ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯЛАР ҚАНДАЙ ТАЙИНЛанаДИ?»

«Меҳнат» нашриётида Қарияларни қадрлаш йиллига бағишлаб чоп этилган китоб шундай номланади. Унда ёшга доир (қарилик) пенсия тайинлаш тартиблари, шартлари, пенсия микдорини аниқлаш, унинг тўланишини амалга оширишда қонунчилик қоидалари баён этилиб, бу борадаги ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳусусида маслаҳатлар берилган.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши ёшга доир пенсияларни тайинлаш тартибига солди. Шунинг таъкидлаш лозимки, мустақил юртимиз фуқароларининг конституциявий ҳуқуқдан фойдаланиш бора-сида катта ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда турли қатламга мансуб аҳолини, айниқса кексаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга гамхўрлик кўрсатиш борасида Давлат дастурларининг

қабул қилинаётганлиги, уларнинг изчил турмушга тadbик этилиши ҳуқуқимизни сиёсатининг йўналишларидан бири эканлигидан дарак беради. Бу эса халқимизнинг энг эҳтиромга сазовор табақасига нисбатан давлат ва жамият эътибори, гамхўрлигининг алоҳида кўриниши сифатида аҳамиятлидир.

Ҳуқуқшунос олим Й.Турсунов томонидан тайёрланган рисола «Ёшга доир (қарилик) пенсия тайинлаш», «Ёшга доир (қарилик) пенсия тайин-

ИНДАМАЙ СЎКИШ

Юсуфжон қизиқнинг бу галги муқолиллари фақат порахўрларни фoш қилишга қаратилди. Йигин сўнггида бир маст тебраниб келиб, Юсуфжон қизиқни ҳақорат қила бошлади.

— Менинг отамни масҳара қилишни кўрсатиб қўман сенга... Ҳа сенда...

Юсуфжон қизиқ лол-лум демай тураверди. Охунжоннинг жаҳли чикди.

— Э, уста, нега индамай турибсиз. Мен ҳозир бунга...

— Жим туриб, — деди Юсуфжон қизиқ шогирди-га, — мен ҳам унга роса ноғара қоплаб сўқаялман.

— Қани сўқанингиз? Мум ютгандай турибсиз-ку

— Ҳақиқий қизиқ экансан, — деди уста, — Биров гапириб, овоз чиқариб сўқайди, бошқа биров эса индамай...

Тўпловчи: Ҳамид Усмонов



МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Қарши давлат ижтимоий педагогика коллежиде мактабга таълим муассасалари, бошланғич синф, жисмоний тарбия, меҳнат таълими, инглиз ва рус тиллари, мусиқа раҳбари каби йўналишлар бўйича мутахассис тайёрлайди. Унда 250 нафарга яқин ўқитувчи 4 минг нафарга яқин талабага сабоқ бермоқда. Шунинг таъкидлаш керак-

ЦЕЛЛЮЛОЗА ВА ТИББИЁТ

Целлюлоза ўзининг қатор муҳим кимёвий ҳосиллари билан ҳам ажралиб туради. Бу жараёни тадқиқ этиш целлюлоза ҳосиллари тузилиши ва унинг кимёвий ҳосилларини атрофлича ўрганиш имконини беради. Ўзбекистон Фанлар академиясининг биоорганик кимё институтида шу йўналишда олиб борилган кузатишлар айниқса самарали бўлмоқда. Гидроат-целлюлоза толаранинг карбоксиметиллаш реакцияси ҳам ўрганилди. Бу эса толасимон ҳолатни ва тола тузилишини сақлаган ҳолда сифатли маҳсулот олишда муҳим кимёвий омил бўлиб хизмат қилади.

Кузатишлар асосида бундай маҳсулотлардан тиббиётда ишлатиладиган жароҳлик жиҳозларини олишга муваффақ бўлинди. Целлюлоза толасидан тўқилган трикотаж матодан қонни тўхтатишда фойдаланиш мумкин.

Юсуфжон қизиқ ҳангомалари

ҲОВЛИМНИ СЎРАДИНГИЗ

Бир йигит Юсуфжон қизиқнинг уйини истаб юрган эди. У Юсуфжон акани танимас эди. Тор кўча бошида қизиқнинг ўзини кўриб, сўради: — Юсуф қизиқнинг ҳовлиси қайси? — Ҳув анави қизил дарвоза.

ИЎТАЛНИНГ ДАВОСИ

Оталар чойхонасида суҳбат қизган пайт. Усмон қизиқ тинимсиз бигиллаб йўталиб, гални гапга қовуштирмасди. — Уста, шу йўтал зор-манданинг давоси бормикин, — инқиллаб, ҳансираб сўради Усмон қизиқ. — Бор, — деди Юсуфжон қизиқ, — уйга осилган узум енг... Самарқанд майизидан енг, ҳар кун ёнғоқ чақиб енг... — Ие, унда баттар бўлмайдими? — Бўлади. Сиз йўталдан қутиласиз. Мен сиздан қутиламан.

Турфа олам ҚУЁШЛИ КУНЛАРИ СЕРОБ

Самарқанд Зарафшон водийсида жойлашган қўна шаҳар. Водийнинг жанубида Қоратепа, шимолида Нурота, шарқда Зарафшон ва Туркистон тоғлари, гарбида эса бепоён текислик ястаниб ётади.

Водий иқлимнинг, шу жумладан, Самарқанд иқлимнинг ташкил топишида унинг географик ўрни катта ўрин тутди. Самарқанд жанубий шаҳарлардан бўлгани учун ҳам ерда қўشли кунлар ўрта ҳисоб билан йилга 2877 соатдан ортиқроқ давом этади. Муқояса учун қуйидаги миқдорларни келтириш жоиздир.

Шундай давр Санкт-Петербургда 1563 соатни, Киевда 1843, Алматада 2392, Римда 2362, Афинада 2655 соатни ташкил қилади. Ҳатто Самарқанд билан деярли бир хил кенгликдан ўрин олган бир қатор шаҳарларда ҳам қўш ёритадиган вақти анча кам. Масалан, Бокуда 2244, Ереванда 2696, Анкарада 2816, Пекинда 2710, Пхеньянда 2752 соатга етади.

Қўш радиацияси иқлимнинг ташкил топишида муҳим омилгина бўлиб қолмай, балки катта табиий бойлик ҳам ҳисобланади. Ундан унумли фойдаланилса, шаҳар ободчилиги, инсон саломатлиги учун катта фойда келтиради.

ЧИГИРТКАНИНГ ЎЗГИНАСИ

Америкалик хайкалтарош Татрик Бремер ёнчодан чигиртканинг катталаштирилган шаклини ясади. Бунинг учун у табиатда жуда ҳам уч-райдиган шундай ноёб дархат ёғочни топдики, унинг рангини чигиртканидан ажратиб бўлмасди. Хайкалтарош ясаган хайкаллар ҳозир музей ва ҳайвонот боғларини беэзаб турибди.